

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (11.110)

Баҳоси эркин нарҳда



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатлари КОМИТТИГА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Президентимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб бежиз эътироф этмадилар. Чунки бугунги кунда қалби қайнок, ғайрат-шижоатли, катта орозу мақсадларни қўлаган ҳолда дадил одам ташлаётган ёшлар сафи ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бундай ёшларни рағбатлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан турли хил давлат стипендиалари таъсис этилган. Бундай стипендиалар истеъдодли, билимга чанқок ёшларни ижодий ва илмий фаолиятга, Ватанини севишга, унга содиқ бўлишга, қомиллик сари интилишга ундайди. Мана, яқинда аънаёна кўра аспирантлар ўртасида 2008 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари аниқланди ва Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида аспирантлар ўртасида ўтказилган бу йилги бирга гулобларига гувоҳномалар топширилди. Гулоблар орасида Тошкент Давлат техника университетининг 3-босқич аспиранти Амир Қодиров ҳам бор. Амир 1980 йил Тошкент шаҳрида зиёвлар оиласида туғилган, воғая этди. Ёшлигиндан илм олишга интилади. Лицей-интоснатни аъло баҳоларга тамомлаб, Ўзбекистон Миллий университетида ўқишга кириб, 2003 йилда магистратура босқичини «Амалий математика» мутахассислиги бўйича муваффақиятли битирди. Шу билан бирга инглиз ва француз тилларини ўрганиш мақсадида курсларда тахсил олиб, уни ҳам аъло баҳоларга тамомлади ва сертификат олди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Амир талабалар йилларида ўзининг ўқиб билими, иқтидор билан устозларининг ҳам диққатини ўзига торта бошлади. У 2004-2006 йиллар давомида «Информатика» иختисослиги бўйича Франциянинг Париж университети магистратурасида тахсил олиб қайтди.

Хозирги кунда у Тошкент Давлат техника университетида «Техник тизимларда бошқарув» иختисослиги бўйича аспирант. Айни кунда «Тармоқ технологиялари базасида тизимчи бошқариш ва мураккаб тузилмалар объектига таълим ва моделларни ишлаб чиқиш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. — Ушбу илмий долзарблиги шундан иборатки, — дейди Амир Қодиров биз билан суҳбатда, — Ўзбекистоннинг келгуси ривожланиши ва модернизацияланишининг хозирги босқичида ахборот-коммуникацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳақда Президентимизнинг 2002 йил 31 майдаги «Ахборот-компьютер технологияларини жорий этиш ва компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ҳақида» Қарорларида қайд этилган бўлиб, унда реал иқтисодий соҳасини ахборотлаштиришнинг зарурлиги алоҳида таъкидланган. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштиришнинг муҳим таркибий қисми яхлит интеграцияланган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади, бу ўз навбатида саноат объектиларини бошқаришнинг сифатини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Мен олиб бораётган тадқиқотлар яхлит автоматлаштирилган бошқарув тизимлари масалаларининг фан ва саноат учун муҳим бўлган таркибий қисмларини ўз ичига олган. Шунинг мамнуният билан айтмоқчиманки, Ўртабосқичнинг ёшларга бўлган ғамхўрлиги, эътибори туфайли бугунги кунда ёшлар танлаган мутахассисликлари бўйича сифатли таълим ва чуқур билим олишлари учун кат-

та имкониятлар яратилган. Мен бугун жуда бахтиёрман. Чунки ўзим ёқтирган соҳа бўйича илмий изланишдаман. Мақсадим келажакда ўз иқтидорим, билимим билан мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиш. Дилдаги эзу мақсадлари сари дадил одимлаётган Амир Қодировнинг илмий ишлари бўйича олинган моделлар ва алгоритмлар асосида ахборот таъминоти ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқилди ва Навоий кон-металлургия комбинатида жорий этилди. Бундан ташқари унинг турли илмий журналларда, республика ва халқаро ижтисодиёт анжуманларининг тўпламларида 23 та илмий мақола, тезис ва маърузалари чоп этилди. Париж университети информатика таърихонасида олти ойлик илмий амалиётда жиҳозларни таъмирлашнинг оптимал режалаштириш масалаларини ҳал этиш учун алгоритмлар ишлаб чиқди. Хозирги кунда Амир Қодиров Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фундаментал тадқиқотлар лойиҳасини бажаришда иштирок этмоқда. — Талабаларимиз орасида келажакда порлоқ умидли ёшларимиздан Амир Қодировнинг илмга чанқолиги, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, ўз устида тинмай ишлаб яхши натижаларни қўлга киритаётганидан жуда ҳам мамнунимиз, — дейди Амир Қодировнинг илмий раҳбари, академик Мирзоян Комиллов. — Ундан умидимиз катта. Уйлайманки, Амир келгусида илмий ишларини давом эттириб, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишадди. Биз устозлар эса мана шундай қомиллик сари интилаган ёшларимиз билан доимо фахрланамиз.

Дилором ИКРОМОВА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Нахавн тақлифига биноан 2008 йил 17-18 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади. Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлиқни кенгайтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (БАА) ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ БЎЛИБ, 1971 ЙИЛНИНГ 2 ДЕКАБРИДА ФОРС КЎРФАЗИ СОҲИЛЛАРИДАГИ 6 АМИРЛИК — АБУ-ДАБИ, ДУБАЙ, ШАРЖА, АЖМАН, УММ АЛ-ҚУВАЙН ВА АЛ-ФУЖАЙРАНИНГ БИРЛАШУВИ НАТИЖАСИДА ТАШКИЛ ТОПДИ. 1972 ЙИЛДА УЛАР САФИГА РАЪС АЛ-ХАЙМА АМИРЛИГИ ҲАМ ҚўШИЛДИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ:

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

БАА умумий ер майдони, унинг таркибига кирувчи 200га яқин кичик оролар билан биргаликда 83,6 миңг квадрат километри ташкил этади. Мамлакат ҳудудининг катта қисми текисликдаги саҳралардан иборат. Аҳолисининг умумий сони — 4,4 миллион киши (2007 йил январ ҳолатига кўра). Умумий нуфусда туб аҳоли улуши 21 фоизни ташкил этади, қолган қисми эса хорижий мамлакатлар фуқароларидир.

БАА пойтахти Абу-Даби шаҳридир. Бошқа йирик шаҳарлари - Дубай ва Шаржа. БАА таркибига кирувчи ҳар бир амирлик сезиларли даражада мустақилликка эга. Хусусан, ўз ер ва ҳудудий суверитетини давлат суверенитетини амалга оширади. Мамлакат конституциясига мувофиқ, 7 амирлик ҳокимларидан таркиб топган Федерал олий кенгаш олий ҳокимият органи ҳисобланади. Давлатга мазкур вақиллик органи аъзолари сафидан 5 йил муддатга сайланувчи президент раҳбарлик қилади. Айни пайтда президентлик лавозимини 2004 йил 3 ноябрда сайланган Абу-Даби амирлиги ҳокими шайх Халифа бин Зоид Ол Нахавн эгаллаб келмоқда.

Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум эса 2006 йил 5 январдан буён БАА вице-президенти ва бош вазиридир.

Мамлакат иқтисодиёти нефть қазиб чиқариш саноатида асосланган. БААда «қора олтин»нинг 97,8 миллиард баррель микдоридидаги улкан захираси мавжуд. Бу дунё нефть захирасининг 10 фоизи демакки. Айни пайтда қурилган нефть ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 2,5 миллион баррелни ташкил этмоқда.

2007 йилда БАА янги ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 190 миллиард доллардан зиёдроққа тенг бўлди, иқтисодий ўсиш эса 7,4 фоизни ташкил этди. Утган йили нефть ва газ секторидан тушган даромад 75,8 миллиард АҚШ доллари ёки ЯИМнинг қарийб 40 фоизига тенг бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг кеча Нукус шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Масала фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ҳамда фаоллари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз ваколатларини рўйбга чиқаришлари аамалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўрганилди.

● Тошкентда Марказий Осиё ва Япония мутахассисларининг маданий меросни сақлаш масалаларига бағишланган минтақавий учрашуви иш бошлади. Ушбу тадбир ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Япониянинг Маданий қадриятларни тадқиқ қилиш бўйича Миллий институти ташаббуси билан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фанлар академияси кўмағида ташкил этилди.

● Марғилон шаҳар сут ишлаб чиқариш корхонаси бозор талабларини ўрганган ҳолда хориж технологияси асосида пишлоқ, сариёғ, творог, қатиқ, қаймоқ сингари ўн турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бир кунда уч тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга корхонада 40 га яқин киши иш билан таъминланган. Яқинда бу ерда қандолат ва макарон маҳсулотлари тайёрлаш цехларининг ишга туширилиши натижасида яна ўндан зиёд янги иш жойи яратилди.

● Жиззах шаҳрида А.Қодирий номи Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси Ботир Зокиржоновнинг «Мусаввир ниғоҳида» номи кўргазмаси очилди.

● Тошкентдаги «Киночилар уйи»да ўзбек киноси ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Мазкур ҳафталик ўзбек фильмлари ижодий анжумани олтидан ташкил этилган бўлиб, у «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилди. Тадбир доирасида ҳафта давомида 2007 йили давлат бюжетмаси асосида суратга олинган фильмлар намойиш этилади.

● Жондор тумани «Лоло» қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги «Маҳалла» марказида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжанд оила фарзандларига тикувчилик, зардўзлик, дуррадорлик сирлари бепул ўргатилмоқда. Хозиргача ушбу марказда 20 дан ортиқ йигит-қиз сабоқ олиб, хунарли бўлди.

## ЖАҲОНДА

● Брюсселда Европа Иттифоқининг баҳорги саммити иш бошлади. Ушбу саммитда асосан Косово масаласи қизгин баҳсларда муҳокама этилиши кутилмоқда. Саммитда шунингдек, китъадаги энерго концернлар тақдирини мустақил компаниялар ихтиёрига топшириш, ўрта ер денгизи иттифоқини тузиш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилган.

● Сербия Президенти Борис Тадич мамлакат парламенти тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонга имзо çekди. Мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари жорий йилнинг 11 майга белгиланди. Таъкидлаш керакки, бундан икки кун аввал Сербия Бош вазир Воислав Коштуница ишдан кетиш ва ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳақидаги аризага имзо çekканди.

● Украина Президенти Виктор Юшенко Киев шаҳри мэри Леонид Черновецкийни 15 кунга ишдан озод қилди. Хозирда Черновецкий коррупцияда гумон қилинаётгани учун хизмат текширувидан ўтказилмоқда.

● Кеча Россиянинг «Газпром» ва Украинанин «Нафтогаз Украина» компаниялари Россиядан Украинага жорий йил охиригача газ етказиб бериш юзасидан янги битим имзолашди.

● Грециянинг Порос оролида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан 300 га яқин сайёҳларни олиб кетаётган «Георгос» кемаси ҳалокатга учради. Қутқарувчиларнинг касб маҳоратлари туфайли қисқа муддатларда қутқариш ишлари муваффақиятли якунланди ва ҳалокат оқибатида ҳеч ким жабрланган йўқ.

● Гонконгда грипп касаллигининг янги тури тарқалганлиги таъкидланмоқда. Ушбу вируснинг хавфли жиҳати шундаки, у асосан ёш болаларга юкмоқда. Утган қисқа муддат ичида ушбу хасталикка чалинган уч бола ҳаётдан кўз юмди, 23 таси оғир аҳволда касалхоналарда ётибди. Шу муносабат билан Гонконгдаги богча ва мактаблар ёпилиб, 14 кунли карантин эълон қилинди.

● Кеча АҚШ ва Буюк Британия бозорларида тарихда илк бор бир унция олтиннинг нархи миңг долларга етди.

● Кеча АҚШда ва шу тарихда дунёнинг бошқа мамлакатларида беш долларлик купюранинг янги нусхаси муомалага чиқарилди.

● Кеча Бағдод шаҳрида террорчилар томонидан кучли портлашлар содир этилиши оқибатида 18 киши ҳаётдан кўз юмди, 64 киши тан жароҳатларини олди.

## Қисқа сатрларда

● **ШОДЛИК-ПАЛАС** — мехмонхонасида ирригация соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаб-

буси билан «Камолот» мен ва имкониятларим» мавзусидаги маънавий-маърифий дастур доирасида уюштирилган тадбирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган «Камолот» фаоллари иштирок эттиди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фармацевтика соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда Ёшлар йилига тўхфа сифатида дори-уноснолар томонидан

янги антисептик дори воситаси тайёрланганлиги маълум қилинди.

● **КЕЧАДАН** шаҳримизда археологлар, геологлар ва хориқлик мутахассислар иштирокида бошланган тадбир Марказий Осиёдаги мавжуд маданий ёдгорликларни ўрганиш масаласига бағишланади. Ушбу анжуман яна тўрт кун давом этади.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Ҳашар — элга ярашар

### ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ

ОНА ДИЁРИМИЗГА АЙНИ КУНЛАРДА ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ БЎЛМИШ БАҲОР ЎЗ СЕПИНИ ЁЙМОҚДА. БАРЧАМИЗ СОғИНИБ КУТГАН МЕҲР-ОҚИБАТГА, ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН НАВРЎ АЙЁМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА. ҲАР БИР ГЎШАДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН АВЖ ОЛГАН. ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЖОЙИБ УДУМЛАРИМИЗДАН БИРИ БЎЛГАН ҲАШАРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ҳар йилги аънаёна мувофиқ Наврўз айёми олтидан ва фасли навбахорда — март-апрель ойларида шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ҳамда 15-16 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш белгиланди. Умумхалқ хайрия ҳашарида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, шунингдек, шаҳримиздаги барча аҳоли фаол иштирок этади. «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, саховатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларини янада юксалтириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, шаҳардаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида ўтказиладиган мазкур умумхалқ ҳашарида турар жой мавзелари ва маҳаллаларда гул қўчатлари, дарахтлар экиш, оқлаш, буташ ва

парварош қилиш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва майиший чикиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш, кўп қаватли бинолар ва ховлилар атрофи, гузарлар, хибоблар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқ ва лотокларни, оқова сув тармоқлари ва қудуқларни тозалаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, умумхалқ хайрия ҳашари катнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш ишлари бажарилади.

Умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағлар аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламга, шу жумладан, кўп болали ва кам таъминланган ёш оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ҳамда ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек



«Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш. Меҳрибонлик ва Муруват уйлари ва бошқа иختисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилашга сарфланади.

Азиз юртдошлар, она диёримизнинг янада обод ва кўкаламзор бўлиши, уни чамандек яшнаган бўстонга, жаннатмакон ўлкага айлантириш учун ҳашар кунлари ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Ўлкамизда Наврўз нафаси

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аждодларимизнинг унут бўлиб кетаётган бебаҳо қадриятларини қайта тиклаш, уларга янгича маъно ва мазмун бахш этиш, Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одат ва анъаналарни, бу жараёнда яратилган халқ оғзаки ижоди меросини асраб-авайлаш ва келажақ авлодларга асл ҳолича етиб боришни таъминлаш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

материда эзгулик нишонасини кўрган. Халқ кўшиқларида ана шундай эзгу кечинмалар ўзининг теран ифодасини топган. Улар бир неча қисмага бўлинади. Жумладан, Наврўз тараннум этилган, сумалак пишириш, ҳалинчақ учиб билан боғлиқ удулар ва маросимлар акс этган кўшиқларда йилбоши кириб келиши, барчани байрамга чорлаш оҳангидеги айтимлар кенг ўрин тутди.

Наврўзи олам билан боғлиқ ана шундай бебаҳо қадриятни нишонлаш жараёнида яратилган халқ кўшиқларини асраб-авайлаш ва бутун дунёга намойиш қилиш бугунги кундаги муҳим вазифаларимиздандир. Бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида олимларимиз томонидан кенг қўламли илмий изланишлар олиб берилмоқда.

Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир қишлоғу шаҳарларида Наврўз шодиёнасини ҳар қачонгидан кўра кўтаринчи руҳда уюштириш билан ўтказишга қизғин ҳозирлик кўриляптир.

Аждодларимизнинг Наврўз билан боғлиқ қадрият, анъана ва маросимларини, бу жараёнда ижро этиладиган халқ кўшиқларини ҳамда мазкур айём тарихига оид маълумотларни кенг тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш ҳам доимий эътиборда. Бу борада Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илм-фан даргоҳларида салмоқли ишлар амалга ошириляптир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви хазинасида Наврўз байрами билан боғлиқ маросимлар ва уларда ижро этиладиган кўшиқлар жамланган икки юздан зиёда ноёб манба мавжуд, — дейди фольклоршуно олим, филология фанлари доктори Маматқул Жўраев.

МАМАТҚУЛ ЖўРАЕВ: ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИНИНГ БЕҚИЁС ДУРДОНАСИ

ҲАЁТГА МУҲАББАТ, БУНЁДҚОРЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ, ТИНЧЛИК, БАТАНПАРВАРЛИК ВА ҚУТ-БАРАКА ТИМСОЛИ БЎЛГАН НАВРЎЗИ АЙЁМИ ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН ЮРТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНИБ КЕЛАДИ.




ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ ЮРТИМИЗДА КЎКЛАМ ШАМОЛИ ЭСА БОШЛАШИ БИЛАН ОНА-ТАБИАТ УЙҒОНИБ, ДОВ-ДАРАХТЛАР КУРТАК ЁЗА БОШЛАЙДИ. БУТУН БОРЛИҚ МУСАФО, ДИЛЛАРГА ХУШ ЁҚУВЧИ НАСИМЛАР БИЛАН УЙГУНЛАШИБ КЕТАДИ.

Азалдан бу кунларни халқимиз соғиниб кутади, қувғинли илк нурларидан баҳра олиб ҳаммаёқни озода, покка ҳолга келтириб Наврўзи оламга ёруғ юз билан пeshов чиқади.

ларда фаол қатнашиб, бу ишга қўллаб ёшларни ҳам жалб этган ҳолда шахримизнинг янада чирой очиб беришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар кенгаши корхона, ташкилот ва маҳалла ёшлари билан ишлаш бўйича бўлим мудири Абу Али Менглиев. — Ўзбекистондаги Наврўз тўғрисида ҳар қандай маънавий тарихимизнинг беқийс ҳазинаси сифатида жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган.

ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ — БАҲОР ЎЗИНИНГ ФУСУНҚОРЛИГИ, ТАРОВАТИ, БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИГА БОЙЛИГИ БИЛАН ҲАМ ГЎЗАЛДИР. ЯҚИНДАГИНА 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН КЕНГ НИШОНЛАНГАН БЎЛСА, СОҒИНИБ КУТГАНИМИЗ — ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ ҲАР БИРИМИЗНИ ЧОРЛАМОҚДА.



Хар йили Наврўз арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлимининг ҳамкорликларида шахримиз туманларига «Наврўз чорлови» тadbирини ўтказишга анъана тусини олган.

Мамлакатимизда ушбу қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажақ эгалари онг-шуурига чуқур синдиришга қаратилаётган улкан эътибор самараси туфайли юртимизнинг турли ҳудудларида кўплаб фольклор-этнография бадийи жамоалар фаолият юритяпти. Ушбу бадийи жамоалар аҳоли орасида кенг тарқалган миллий куй ва кўшиқларимизни муқаммал ўрганиш ва ижро этиш, асрлар оша яшаб келётган маънавий қадриятларимизни ва халқимизнинг кишилик җамияти ривожига қўшган улushiни жаҳонга кенг намойиш этиш йўлида мунтазам изланмоқдалар.

Наврўз чорлайди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибидан тасдиқландилар.

Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2007 йилги ҳисоботи тўғрисида палата раиси Б.Мусаев маъруза қилди.

Халқаро ишлар ва парламентараро алоқалар кўмитаси аъзоси С.Абдуллаевнинг маърузаси юзасидан депутатлар «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни» (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

лаб мамлакатимиз элчинонаси фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиши йўлида» номли китоби чоп этилган.

қарийб 800 миллион АҚШ доллари миқдоринда сарможа жалб қилинадиган 17 та устувор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Аҳоли жон бошига nisбатан янги ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича (2007 йилда 29,7 минг долларни ташкил этди) БАА жаҳондаги энг бой мамлакатлар сафида олдинги ўринлардан биринчи эгаллади.

ТАЖРИБА АЛМАШИНИЛДИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СПОРТ МАЖМУАСИДА РЕҒБИ (ҚўЛ ТЎПИ) БЎЙИЧА МУРАББИЙ ВАЛИ ТҶОБИЕ ХОТИРАСИГА БАРИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Уч кун давом этган ушбу мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Россия ва Қозғистонлик спортчилар ҳам юқори ўринлар учун кураш олиб боряпти.

«Давоми. Боши 1-бетда».

ЎЗА

Унда жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлақати, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия муассасалари, шунингдек, экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи маҳаллий ва хорижий илмий марказлардан келган икки юздан зиёд етакчи мутахассис ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табрик мактуби кенг акс-садо берди. Унда Юртбошимиз халқаро ҳамжамиятини Орол денгизи ҳавзасида юзага келаятган ҳамда оқибатлари буйича халқаро ва глобал аҳамиятга эга бўлган мураккаб экологик, иқлимий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мажмуиға жиддий эътибор қаратишга чакирди. Шунингдек, минтақадаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масаласига оқилона ва омилкорлик билан ёндашувга даъват этди.

Конференция давомида иштирокчилар Оролнинг бугунги ҳалокати сабаблари ва оқибатларини халқаро миқёсда муҳокама қилиш, уларнинг Оролбўйи аҳолиси геонотони, ўсимлик ва ҳайвонот оламига салбий таъсирири бартараф этиш масалаларини муҳокама этиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўтказилган форум қатнашчилари бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан ўртоқлашди.

Жумладан, Япония соғлиқни сақлаш халқаро университети профессори Момоко Чича конференциянинг юксак даражада ташкил этилганини, унинг мавзуси умумжаҳон аҳамиятига молик эканини, мавжуд муаммоларни ҳал этишга ёндашув эса глобал даражада кўриб чиқишни лозимлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у куйдаги фикрни билдирди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган кутлов мактубида тилга олинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, шунингдек, минтақанинг барча давлатлари томонидан Амударё ва Сирдарё дарёлари трансчегаравий сувларидан унумли фойдаланиш масаласини ҳал этиш гоят долзарб ҳисобланади».

Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори Тецуки Танака (Япония) Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган мактуби унда катта таассурот уйғотганини маълум қилди.

«Ушбу шахс доимо давр шиддатини ҳис этиб туриши мени лол қолдирди. Бугун Марказий Осиё минтақасида 50 миллиондан зиёд киши истиқомат қилаётган бир пайтда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳар томонлама ўйланган ёндашув зарурдир», — дейди олим.

Т. Танака конференция маконини халқаро даражага кўтаришга ҳамда Орол фо-

жеаси нафақат Марказий Осиё, балки умумжаҳон муаммоси эканлигини халқаро ҳамжамиятга яна бир бор намоиш этишга эришилганини қайд этди. «Бундай тадбирлар кенг халқаро миқёсда акс-садо бериши ва амалий натижага эга бўлиши учун уларни тез-тез ўтказиш ҳамда иштирокчилар сафини кенгайтириш лозимлигига ишонч ҳосил қилдим», — деди у.

Атроф-муҳитни бошқариш бўйича Корея корпорацияси вакили Квон Кивон ҳам конференция натижаларини ижобий баҳолади. Жумладан у куйдагилар:

# ОРОЛ МУАММОСИНИ ФАҚАТ УМУМИЙ САЪЙ-ХАРАКАТЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

### ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ.

ни таъкидлади: «11 март куни Муйноқ шаҳрида бўлиб, Орол ҳалокати кўлами нечоғлик кенг эканига шахсан гувоҳ бўлдим. Бу мени жуда ҳам таъсирлан тирди. К.Кивоннинг фикрича, ушбу фожеани ҳал этиш борасида республика раҳбарияти томонидан белгиланган биринчи гагдаги вазифалар Ўзбекистоннинг мазкур муаммо ечими юзасидан минтақадаги бошқа давлатлар билан халқаро меъёрлар асосида ҳамкорлик қилишга тайёр эканини кўрсатмоқда».

Ватиненген университетининг иқлим ўзгаришлари бўйича маркази раҳбари (Нидерландия), профессор Вим Кофино ушбу конференция Орол муаммосини ҳар томонлама ҳал этиш йўлидаги илк жиддий қадам бўлганини таъкидлади.

— Қорақалпоғистонда кўрганларим менда ўнмас таассурот қолдирди. Бу хилдаги муаммоларни биргина давлатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиш мумкин эмас. Бундай шароитда муаммо ечимини олға сурувчи ва барча манфаатдор томонлар ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи «локомотив» заруриликга амин бўлдим. Айни пайтда ушбу муҳим вазифани Ўзбекистон баҳарлаётганига ишонч ҳосил қилдим, — деди В.Кофино.

Россия Фанлар академияси Сув муаммолари институти лаборатория мудири М.Болговнинг қайд этишича, Президент Ислам Каримов томонидан ифода этилган Ўзбекистон нуқтати назари ҳар томонлама асосли ва қонунийдир. Шу муносабат билан минтақадаги трансчегаравий дарёлар сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарблик касб этди. Бу муаммо ҳозиргача қўшни давлатлар билан трансчегаравий сув оқимлари борасида-

ги муносабатларини ҳал этмаган Россия ва Қозғоғистонга ҳам тегишлидир.

ГФР Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлигининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Р.Балдус Ўзбекистон томонининг Орол денгизи экологик ҳалокати оқибатларини камайтириш имкониятлари борасидаги фикрини қўллаб-қувватлади. «Мазкур конференциянинг етакчи халқаро ташкилотлар, экспертлар ва Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар вакиллари иштирокида ўтказилиши юртингиз раҳбариятининг Орол муаммосини ҳал этиш йўллариини излашдаги сиёсий иродасидан далolat беради», — деди у.

Оснабрюк университети (Германия) профессори Хельмут Лиет Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўз мактубида Амударё ва Сирдарёдан биргаликда масъуляти билан ва унумли фойдаланиш зарурилигини қайд этганини таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу дарёларнинг сув ресурсларини беш суверен давлат ўртасида тақсимлаш халқаро ва ҳуқуқий жиҳатдан барқарор битимни ишлаб чиқишни тақозо этди.

Шанхай иқтисодий фанлар академиясининг Россия тадқиқотлари маркази директори Пан Давейнинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ёндашув ва ҳамкорликнинг мувофиқлаштирилиши минтақада сув ва энергетика муаммосини ҳал этишнинг зарур шарти ҳисобланади. Президент Ислам Каримов томонидан билдирилган трансчегаравий дарёларда амалга оширилган лойиҳаларда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари манфаатлари ҳам эътиборга олинishi лозимлиги ҳақидаги Ўзбекистон нуқтати назари шу маънода конструктивдир. Бу ерда сув захираларидан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асосланган ва тежамкор тизими талаб этилмоқда.

Якунланган халқаро конференция Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммо нафақат Марказий Осиё, балки ер кўрсатининг бошқа минтақаларига ҳам салбий таъсир кўрсатаятганини яна бир бор намоиш этди. Уни ҳал қилиш эса дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурилигини тақозо этди.

Конференция иштирокчилари мавжуд давлатларро муносабатлар доирасида умумэтароф этилган меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш кераклиги борасида ягона фикрни билдирди.

«Жаҳон» АА

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКДА

### РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Япониядан келган олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизнинг миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмиллал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси, Фанлар академияси вице-президенти Саидхорр Фуломов ва бошқаруви Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг тобора ортаётганида мамлакатимиздаги миллатларро ва динларро тотувлик, аҳиллик, баргикенглик, ўзаро дўстлик муҳим ўрин тутаятганини таъкидлади. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллариинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз иқодий сахлоиятини намоён этиши доимий эътиборда турибди.

Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги факултета ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек истиқомат қилаётгани, уларнинг ўз миллий маданияти, анъаналари, кадриятлари, урф-одатларининг ривожланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани катта аҳамиятга молик эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган бир юз қирқдан ортқ миллий-маданий марказлар қаторида дунган маданият маркази ҳам ўз ўрнига эга. Мазкур марказ тақдир тақозоси билан XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимизга келиб қолган дунган миллати вакиллариинг маданияти, анъаналари, ўзига хос одатларини сақлаб қолиш, янада ривожлантириш имконини бермоқда.

— Ўзбек халқининг баргикенглиги, меҳмондўстлиги, одамийлиги, ушбу мўйбатар заминдаги меҳмурувват, саховат муҳити боис шу азиз тупроқни Ватан тутди,— дейди дунган маданият маркази раҳбари Мане Савуров. — Мамлакатимизда барча миллат ва элатларнинг миллий қадрият ва анъаналари қадр толаётгани, миллатидан қатъи назар, барчамиз шу азиз юртининг фарзанди сифатида ўзаро аҳилликда унинг тарақиёти йўлида меҳнат қилаётганимиз таҳсинга лойиқдир.

Қозғоғистондаги дунган ассоциацияси президенти Хусейн Дауровнинг айтишича, Ўзбекистонда аҳиллик, дўстлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат муҳитининг барқарорлиги, бу ерда турли миллат вакиллариинг яшashi, ўз қизиқиши бўйича касб эгалланиш, миллий урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш учун барча шароит яратилгани диққатга сазовордир.

Конференция якунида «Ягона осмон остида» ҳужжатли фильмин намоиш этилди. Миллий маданий марказларнинг бадиий жамоялари иштирокидаги концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



# МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИҚМАТЛАР

Нега ўз хоҳшин билан шох қосиға борасан? Тамани бир чеккага улуктирсан-ку, ўзинг шохсан.

Агар нафспараст бўлсанг, қорнингни меш айлаб, ҳар кимнинг эшигини ўзингга қибла қилиб ол.

Оғзингдан чиқиб кетар даражада кўп, ҳолдан тойиб ўлар даражада оз ема.

Қудрат учун катта-кичикнинг фарқи йўқ-ку?

Кўз кўнгиб, кўнгиб қўлдан кетиб, чорча қолмагач, на кўнгиб меҳрга тўяди, на кўз дийдорга.

Агар бағрингда мувофиқ ёринг бўлса, эшигингни (қунда) беш мартаלב бориб қок! Агар кун бўйи ташвиш тортсанг, гам ема, чунки кечқурун гамхўринг ёнингда бўлади! Кимнинг уйи обод бўлиб, ёстикдоши унга дўст бўлса, Худонинг раҳмати ўша кишига қаратилгандир...

Кимнинг оромижони у билан яқдил бўлса, шу киши дунёда ўз мақсадиға эришади. Агар пок ва ширин сўзлик бўлса, унга яхши қараб, қўполлик қилма! Эр берган сиркани (хотин) ҳалво егандай қилиб есин. Ҳалвони сирка ичгандай юзини буриштириб емасин...

Ҳамманинг тиши нордон емишдан, фақат қозиники ширинликдан қамашади.

Бир-биридан ажратганда тошдан ҳам садо чиқади.

Бировнинг олдига тиланиб боргандан кўра фақирликда қийналиб ўлган яхши.

Ҳасининг ақчаси ердан унинг ўзи ерга қирганда чиқади.

Тез бўлган нарса узокқа қўзилмайди.

Эшитишимча, шарқ тупроғи қирқ йилда чинни коса бўлар эмиш. Бағдодда бир кунда юзтасини ясаб ташлашади. Шунинг учун ҳам (ҳар бирининг) қиммати маълум.

Оз-оз йиғилиб мўл бўлур, томчи-томчи йиғилиб сел бўлур.

Дўст уйини супур, душман эшигини қокма!

Бечора мушукнинг қаноти бўлса эди, чумчуқнинг туҳумини дунёдан қуритар эди.

Ҳўқизнинг икки шохи бўлса, ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди.

Бойлик кўнгиладир, молда эмас, улугворлик ақлдикир, ёшда эмас.

Одамхўр шердан юккаш эшак яхши.

Душманни кучсиз ва ожиз деб бўлмайд.

Чу чанқок дашту чўлда сувсиз ёнса, На фойда, бўлса гар олам Фурутдир.

Гар дилинг бўлса, уни дилбарга бер, Зоёе ул кишварки, гар султони йўқ.

Сўрдим ақл можаросин ишқдан, Деди, мансаб унда бор, фармони йўқ.

Ишқ дарди соғлиқдан яхшидур.

Ишққа ақл зўри етмас, эҳтимол Эъзлиқдан зўравонлик айлагай.

Не керақдур қизилюзлик, дилинда гар сиёҳинг бор?

Қилма айб мискинни, ортингда йиқилса, гоҳ турар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 1-уй манзилидаги «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ худудидаги № 128 савдо дўконининг Ҳамза тумани ҳокимлигининг 2004 йил 26 январдаги 427-сонли қарори асосида берилган реестр рақами 4-432-2004 бўлган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



## ДУШАНБА, 17

### «Ўзбекистон»

- 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с
- 7.35 «Қўртим бўйлаб» дастури: «Алломиш изидан».
- 7.55, 13.50, 17.15 «Олтин мерос».
- 8.00 «Ташхилнома».
- 8.45, 18.05, 20.50 «Минг бир ривоят».
- 8.50 «Мирзо Улугбек». В/ф
- 9.20 «Наврўз соғинчи».
- 9.25 «Болалар дунёси».
- 9.45 «Зумрад ва Қиммат».
- 10.30 «Одами эрсанг...».
- 10.50 «Наврўз наволари».
- 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ақборот».
- 11.15 «Қўртим бўйлаб» дастури: «Тоғларда баҳор».
- 11.30 «Шахсий фикр».
- 13.00 «Турмуш чоррақларида».
- 13.20 «Чинилдик». Спектакль.
- 16.10 «Ватанпарвар».
- 17.20 «Қонун ҳимоясида».
- 17.40 «Эрталаб» - яхшиликка етаклар.
- 18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
- 18.10 «Наврўз ҳақида сўз».
- 18.15 «Баҳор қайтмайди». Т/с
- 18.55 «Якшилар ёди».
- 19.15 «Оханлар оғушида».
- 20.05 «ТВ шифокор».
- 20.10 «Анчик ёлғон».
- 21.35 «Парламент вақти».
- 21.55 «Сўнги қиролчи».
- 23.00 «Қўшнимас, муҳаббат».
- 23.10 «Рамина».

### «Первый канал»

- 5.00, 9.05 «Доброе утро».
- 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.20 «Новости».
- 9.25 «Малахов +».
- 10.25 «Контрольная закупка».
- 11.00 «Убойная сила». Сериал.
- 12.15 «Модный приговор».
- 13.20, 4.20 «Детективы».
- 15.25 «Пояты». Проститутка.
- 15.20 «Дворцовые тайны времен Леонида Брежнев».
- 16.00 «Огонь любви». Сериал.
- 16.50 «Федеральный судья».
- 18.20 «Жди меня».
- 19.10 «След».
- 20.00 «Принцесса цирка». Сериал.
- 21.00, 3.00 «Время».
- 21.30 «И все-таки я люблю...». Сериал.
- 22.25 «Дети-экстрасенсы».
- 23.30 «Одноэтажная Америка».
- 00.35 Х/ф «Принц Америки».
- 2.15, 3.50 «Клари»-2.

### «Россия»

- 5.00 «Доброе утро, Россия!».
- 9.00 Сериал «Мы странно встретились».
- 10.45, 17.40, 4.45 Вести. Дежурная часть».
- 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.25, 14.20, 17.30, 20.30 Местное время. Вести-Москва».
- 11.45 Сериал «Частный детектив».
- 12.40 «Юнкс-горбунок». М/ф.
- 14.40 Сериал «Мачеха».
- 15.35 «Суд идет».
- 16.30 «Кулгин и партнеры».
- 18.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
- 19.00 «Родные люди». Сериал.
- 11.45 Сериал «Частный детектив».
- 21.00 Сериал «Тайны следствия».
- 22.50 «Городок».
- 23.50 «Вести+».
- 00.10 «Честный детектив».
- 00.40 «Синемания».
- 1.05 «Дорожный патруль».
- 1.25 «Травма». Х/ф.
- 1.05 Сериал «Война в доме».
- 3.50 «Комната смеха».
- 4.35 «ХА».

### «ТВ-3»

- 8.00, 10.15 Мультифильм.
- 8.45 М/ф «Вунчи-пунчи».
- 9.15 М/ф «Юлтер Мелон».
- 9.45 М/ф «Бешеный Джек-пират».
- 11.00, 20.00 Сериал «Бэффи - истребительница вампиров».
- 12.00 Х/ф «Билер».
- 14.00 Д/ф «Разрушители мифов».
- 15.00, 19.00 Сериал «Звездные врата».
- 16.00 Д/ф «Найти клад и умереть».
- 17.00 «Городские легенды». Москва. Суверенная площадь».
- 19.00 Сериал «Удивительные истории».
- 18.30 Сериал «Томми-оборотень».
- 21.00 Сериал «Медиум».
- 22.00 Д/ф «Тайные знаки. Павел I. Пророчество безумного императора».
- 23.50 Х/ф «Сегодня ты умрешь».
- 1.00 Сериал «За правду, возмужного».
- 3.00 Д/ф «Их не могли спасти. Уэлики Кордуского кавдарта».
- 4.00 Культив наплекости».
- 7.00 Релакс».

### «Ташкент»

- 17.55 М/ф «Кирол шер».
- 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
- 18.25 «Биллард».
- 8.20, 18.15 Мультифильм.
- 8.30 «Детективы».
- 9.25 «Малахов +».
- 11.10 «Войлебо».
- 11.40 Футзал».
- 12.15 «Мониторинг».
- 18.00 «Болалар спорт».
- 18.50 «Муслик тайм».
- 19.10 «Жаҳон спорт юдузалари».
- 19.30 «Чемпионат лигаси қундалиғи».
- 19.50 «Joker. SuperHit».
- 20.00 Кураш».
- 20.40 «Менинг ерим». Сериал.
- 21.50 Еврофутбол».
- 23.15 «Джерри Магуайер». Х/ф.

### «Россия»

- 6.55 «Аждодлар ёди».
- 7.00, 17.20 «Мультипанорама».
- 7.40, 12.40, 20.50 «Каминанинг ойнаси».
- 7.55 «Наврўз муборак».
- 8.00, 15.00 «Ешлар майдоғи».
- 9.00 «Амолот».
- 9.10, 19.30 «Алия». Т/с
- 9.25 «Зумрад баҳор».
- 9.55, 12.55, 18.55, 21.55 «Икким».
- 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
- 16.30 «Ватанпарвар».
- 11.00 «Journal».
- 11.20 «Чемпион».
- 11.40, 18.00 «Мулки музот».
- 12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с
- 13.25 «Ешлар ила сайхат».
- 14.00 «Пуаро». Т/с
- 14.50 «Ешлар йили».
- 16.10 «Гул ибори». Т/с
- 17.00 «Давринг боласи».
- 17.10 «Болалар табассуми».
- 17.15 «Сумалак ҳаёли».
- 18.15 «Аёл қалби». Т/с
- 18.50 «С. Чилетти».
- 20.15 «Наврўз гаши».
- 20.20 «Ушларғаш».
- 20.30 «Қўллар наволари».
- 22.30 «Автопатруль».
- 22.50 «Хайт-мамонт». Т/с
- 23.35 «Юрт тинчилиги».

### «ТВ-3»

- 6.00 «Такой разный Фергус МакФарлей».
- 1.25 «Доброй ночи».
- 2.30, 3.30 Триллер «Идеальное убийство».
- 5.00 «Доброе утро, Россия!».
- 8.55, 4.00 «Контракт со смертью. Рудольф Нуриев».
- 22.50, 11.45 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
- 10.45, 17.50, 4.45 Вести. Дежурная часть».
- 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.25, 14.20, 17.30, 20.30 Местное время. Вести-Москва».
- 12.40 «Секретный фаворит». Х/ф.
- 22.50 «Спасите наши души. Новорожденные».
- 23.50 «Вести+».
- 00.10 «В любви и войне». Х/ф.
- 2.15 «Дорожный патруль».
- 2.35 «Большая любовь». Х/ф.
- 3.35 Сериал «Война в доме».

### «Ешлар»

- 15.55 «Аждодлар ёди».
- 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
- 16.10 «Гул ибори».
- 17.00 «Давринг боласи».
- 17.10 «Болалар табассуми».
- 17.20 «Ешлар ва тақими».
- 17.35 «Келажак овози».
- 17.45 «Зулфия издошлари».
- 17.55 «Наврўз олами».
- 18.00 «Мулки музот».
- 18.15 «Аёл қалби». Т/с
- 18.50, 20.20 «ЎзЕХ хабарлари».
- 18.55, 21.55 «Икким».
- 19.30 «Алия». Т/с
- 20.15 «Она».
- 20.30 «Қўлма наволари».
- 20.50 «Каминанинг ойнаси».
- 21.10 «Жумонг». Т



Давоми Боши 3-бетда.

10.40 «Кипоталу». 11.00 «Автотуризм». 11.20 «Чемпион».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Такой хоккей нам не нужен».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

9.00, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».

«Спорт» 7.00 «Бодур утро».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

убойного отряда». 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

4.35 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

«Первый канал» 5.00, 9.05 «Доброе утро».

«Россия» 6.00 «Доброе утро, Россия!». 8.55 «Муслимая».

«НТВ» 6.00 «Сегодня утром». 9.00 «Наше все!».

«Тошкент» 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «18.50 «Камила».

Хўрматли хамшаҳарлар! Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз.

Бўш вақтингизда Телефонтан. Энига: 7. Муаррих Геродотнинг «Тарих» асарига маълумотлар ёзиб қолдирилган Марказий осийлик ватанпарвар, жасораткор аёл ҳақидаги афсона.

Кроссворд. Энига: 7. Муаррих Геродотнинг «Тарих» асарига маълумотлар ёзиб қолдирилган Марказий осийлик ватанпарвар, жасораткор аёл ҳақидаги афсона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65; факс: (3712) 233-21-56.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.